



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 6 август № 162 (3437) ● Жума

Олий Мажлисда

## Соғлом авлод тарбиясига қаратилди

Кеча Тошкент туманида Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмиталари, шунингдек, Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Жисмонан ва маънан соғлом авлод тарбияси — давлат сиёсатининг устувор вазифаси" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган 120 нафардан ортиқ фаол аёл иштирок этди.

Анжумани Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, профессор Ойниса Мусурмонова қилди. Унда турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган 120 нафардан ортиқ фаол аёл иштирок этди.

Очиг милоқот тарзида ўтган давра суҳбатиде, шунингдек, "Маънавий ва жисмоний баркамол авлод тарбиясида аёлнинг ўрни", "Аёллар спортини ривожлантириш — соғлом авлод тарбиялашнинг муҳим омил", "Болалар саломатлиги — давлат муҳофазасида", "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли" мавзуларида маърузалар тингланди.

Илмий-амалий конференция қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди.



Урганч шаҳридаги «Фирӯз-Хоразм» ҳиссадорлик жамиятида иш тадбиркорлик асосида юриштирилган, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилаётганлиги боис тобора иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Утган йили жамоа бир неча ўн миллион сўм соф фойда олганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Корхона жорий йилда 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши режалаштирилган эди. Жамоа олти ойлик топшириқларни ортиғи билан удалади.

СУРАТДА: тажрибали тикувчи Азиза РАЗЗОҚОВА. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Россияда Тошкентдаги террорчилик хуружи ҳақидаги хабарларни қаҳр билан қабул қилишди. Бундай жиноий ҳаракатларни оқлаб бўлмайди. Жаҳон ҳамжамиятининг умумий саяё-ҳаракатлари воситасида халқаро терроризмга қарши ишончли тўсиқ қўйиш имконлиги ва шартлигига ишончим комил. Қурбон бўлганларнинг оилаларига ҳамдардигимни, жароҳат кўрганларга соғайиб кетиш тилакларини етказишингизни сўрайман.

В. ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти  
Москва  
3 август 2004 йил.

## ҚУДРАТИМИЗ — ЖИПСЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази жорий йил 30 июлда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан пойтахт аҳолиси ўртасида тезкор сўров ўтказди. Унда турли этник гуруҳлар, ижтимоий қатламлар ва динлар вакиллари, ҳар хил касб эгалари қатнашдилар.

Мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш ва мустақамлаш мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримов турли террорчи ва экстремистларнинг ёвуз ниятлари ҳақида гапирар экан, бизнинг юртимизда ўз гараз мақсадларига эришишни истовчилар катта ҳато қилишни таъкидлайди. Халқимиз, давлатимиз қадимий ва бой тарихга эга. Биз демократик жамият қуришини ўзимизга хос йўлимизни танлаганимиз ва бу йўлдан бизни ҳеч ким қайтар олмайди.

Тезкор сўров натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Унда иштирок этган фуқароларнинг барчаси террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаган. Улар бу ёвузликларнинг орқасида кимлар турганини аниқлаш ва таяёрларлик ўқоқларини йўқотиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Сўралганларнинг фикрича, Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари ва ижрочилари халқаро терроризм ва диний экстремизм кучларидир. Улар энг оғир ҳазага лойиқ. Чунки улар бизнинг тинчлигимиз ва барқарорлигимизга раҳна солмоқчи бўлган.

Сўров иштирокчилари террорчиликка қарши кураш жараёнида халқнинг ягона мақсад ва вазифалар атрофида бирлашиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Сўралганлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишини ижобий баҳолайди ва террорчилик ҳавфининг батамом бартафоз этилишига ишонди. Тинч ҳаётимизни барбод қилишга уринаётган қора кучларга муносиб зарба беришга қаратилган чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Сўров натижаларидан яна шу нарсга аён бўладики, Ўзбекистон фуқаролари мамлакат келажаги учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни тўлиқ ҳис этишади. Чунки ўз уйимизни, ўз Ватанимизни ўзимиз асрамоғимиз керак.

А. ИВАНОВА  
ЎзА мухбири.

## Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси йўғилиши

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатиши таъминлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.

Мажлисида радиочастота спектридаги фойдаланиш соҳасидаги маълумотлар ахбороти тингланди, миллий радиочастота ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Радиоелектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш, ўрнатилари ва фойдаланиш устидан назорат ишларини амалга оширувчи органлар ўртасида тезкор ахборот алмасув ташкил этилгани комиссия томонидан қайд этилди. 2004 йил биринчи ярим йиллигида 908 та радиоелектрон воситадан ноқонуний фойдаланишнинг олди олинди. Мажлисида Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмасининг фаолияти ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Маълумотлар узатиш ва теледастурларни шакллантириш соҳасидаги лицензиатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларини таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатга олиш ва қайтар рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Комиссия аъзолари теледастурларни кабель тармоқлари орқали тарқатишни тартибга солиш ва меъёрий ҳужжатни муҳофама этди. Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Хотин-қизлар анжумани

НАМАНГАН (ЎзА мухбири И.РАЗЗОҚОВА). Наманган вилояти хотин-қизлар кўмитасининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ҳисобот даври якунлари муҳофама этилди ва мамлакатимиз Президентининг қарори қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли қароридан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Таъкидландики, Наманган вилоятида 145 миң нафардан ортиқ хотин-қизлар хўжалигининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқда. Улар, айниқса, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларига катта ҳисса қўшмоқда. Уларнинг 2700 нафардан ортиғи масъулиятли лавозимларда ишламоқда. Наманганлик икки нафар аёл "Ўзбекистон Қаҳрамони"

унвонига, беш нафар қиз Зулфия номидаги Давлат муқофотиға сазовор бўлишди. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий ҳаётида халқ қилинмаган муаммолар хали кўп. Хусусан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг ёш авлодига тарбиялаш, хотин-қизлар ва болалар спортини ривожлантиришдаги ролини кучайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси анжуманига делегатлар сайланди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова ва Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов иштирок этди. Қўмита пленумида С.Раҳимов Наманган вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб сайланди.

## Сайлов қонунчилиғига бағишланди

Маълумки, шу йил декабрь ойида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Уларда сиёсий партиялар қатори нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, айниқса, фуқароларнинг сиёсий фаолияти муҳим ўрин тутади. Кеча пойтахтимизда «Фуқаролик жамияти институтлари — демократик сайловлар ўтказиш омил» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати сайлов қонунчилиғи тарғиботиға бағишланди. Мамлакатимизда кўзга кўринган жамоат бирлашмалари ва ОАВнинг вакиллари иштирок этган ушбу давра суҳбати Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббускорлиғида уюштирилди. Унда аввалги сайловларда тўпланган тажрибалар, сайлов кампаниясида барча номзодлар учун тенг шароитлар яратишнинг ҳуқуқий асослари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, сайловларнинг очиқ ва эркин руҳда ўтишини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни, халқаро меъёрлар ва миллий қонунчилик, сайловчиларнинг рўйхатга олиш тартиблари, сайлов округлари ва овоз бериш бюллетени, сайлов участкалари комиссияларининг ҳуқуқлари, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат муҳити каби мавзулар доирасида ҳам ўзаро фикрлашиб олинди.

Х. ЭШМАНОВ.

## Тўпалангга ГЭС қурилоқда

Ҳадемай, Сурхондарёнинг ўз электр станцияси бўлади. Тўпаланг сув омбори қошида бунёд этилаётган гидроэлектростанцияда айни кунларда монтаж ишлари юқори суръатлар билан олиб борилаётган. Ҳозирда асосий бино тайёр ҳолатга келтирилган ва у ерга зарур ускуна ва жиҳозлар ўрнатилмоқда. Мазкур иншоот Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган. «Туркистон-пресс».

## ТИНЧ БЎЛСА ЮРТИНГ, МЕҲНАТИНГ — РОҲАТИНГ

Бугдой пишғидан олдин «Бу йил ёгингарчилик кам бўлди, ҳосилнинг қўғи унча эмас» деган гапларни эшитган Раҳматхўжа мийғида кулиб қўяр, «Осмонга қараб турган одам оғзидагисини олдиран» деб ўзича мулоҳаза ҳам юртидади. Чунки...

У бир умр далада ишлади: кетмон чопди, сув таради, пахта ташиди. Деҳқончилиғи мизда дон етиштириш йўлга қўйилган эса, пудратчилар сағига қўшилди. Дастлаб суғор деса суғорди, тер деса терди. 30-40 центнердан ҳосил олиб юрди. Ҳар замонар ҳар замонада «Фалончи 60-70 центнердан бугдой саранжомлабди» деган гапларни ҳам эшитиб қоларди. Ўзича тажриба қила бошлади: ҳўжаликнинг бошқа бугдой майдонларига нисбатан бир марта кўпроқ сув берди, бегона ўтларни ўтоқ қилди, ҳовлисидаги гўнган олиб келиб шарбат оқизди. Ҳосилдорлик ошиб бораверди. 2003 йилда 68 центнердан дон олган бўлса, 2004 йилда ҳосилдорлики 70 центнерга етказди. Хирмондагилар аввалига ишонилмай, юк машиналарини қайта қайта тарозиде тортиб қўришди. Ҳатто ажратилган ерни саржинлаб қайта-қайта ўлчаб чиқишди, хатоси йўқ. Мана шундан кейин ҳамма пудратчилар йиғилиб, Раҳматхўжадан гап сўрашди. — Ишлаш керак, —

қилмоқчиман. Босиб қўйганим бор, насиб қилса, ниятлар катта. Ўзбекдан пул ортади дейсамми, оғайни? «Ҳали унга, ҳали бунга тўёна» деганларидек, бир кун қайтади, қайтмасга, Худодан қайтади...

Раҳматхўжа Аҳмедов ўрта Чирчиқ туманидаги «Роватак» ширкат хўжалиғида мўл дон ҳосили етиштиратган оддий ўзбек деҳқонларидан бири. 20 гектар ерда гўза ҳам ўстиради. Ҳар кун далага бориб, гўзанинг барғидан, гулидан тортиб қўсағичага эринмай санаб келади. 4ўт қўқийни билмайди, дафтарга рақамларни ёзиб кўпайтиради, ҳосил қўғларининг ошиб бораётганлиғидан қувониб яшайди. Қишлоқда яшаб, ерга кетмон уриб, қўғиға елқасини тутиб деҳқончилик қилар экан, «Бирим ҳеч икки бўлмайтми» деганларга ишонмайди.

— Дангаса, енгилнинг остида, оғирнинг устида яшаганларнинг баракаси бўлмайди. Пешонадан тўқилган тер бойлик, — дейди.

Шу тумандаги яна бир пудратчи, «Корасув» ширкат хўжалиғидан Икромжон Абдуллаев ҳам шундай мулоҳазалар билдиради. У янги рўзғор бошлиғи, ота-онасидан дуо олиб, бўлак яшаётганлиғига ҳам икки йил бўлди. Мустақил оила бўлган йили 8 гектар бугдойзордан юқори ҳосил олгани учун ўзига 3 тонна фалла қолди. Эҳтиёжидан ортиғини сотиб, пул қилди ва кўчиб чиққан уйини охиригача тиклаб, яна икки бош қорамол сотиб олди. Бу йил эса 8 гектар ердан 67,4 центнердан бугдой саранжомлади. Режадагидан 18 тонна ортик. Шартномага кўра, шунинг 50 фоизи пудратчиларга натура тарзида берилади. Демак, унга ва акиси Абдухамидга 4,5 тоннадан бугдой тегади. — Бу йилги даромадга замонавий ошхона ва молхона қураман, уйга жиҳозлар оламан, — дейди Икромжон.

«Йигит кишининг моли ерда бўлса, аёлнинг моли меҳрида», дейишади. Бу йил 7 гектар бугдойзордан 60 центнердан ҳосил кўтарган «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғи пудратчиси Салима Бобохонова ҳам бугун ҳаманинг тилида. Опа экинни болам, далани бешиқ, деб билди. Бугдой уруги майгаси бўлган чоғида уни гўдакни сийпалагандек сийпалаб, ҳеч кимга эшиттирмай, алла айтади. Бо-

шўқлар донга тўла бошлагач, ҳовлисига янги тандир қуради. Нон соладиган саватдан тортиб супрасини ҳам янгилаб қўяди. Меҳри ийиб кетади, шундай кунларда. — Дастурхонимда иссиқ нон кўрган куним болағим эсимга тушади. Ушанда биров «Замонлар келиб, Салимаҳон, уйинг тўла дон бўлади, тандирингдан нон узилмайди» деса, хўрлигим келиб, йиғлаган бўлардим. Юртимга шуқур, Юртбошимизга шуқур, 6 нафар фарзанд ва 6 нафар неваранинг қўлидан нон тушмайди. Шундай кунларга етказганига шуқур, — деб опа кўлтиғига икки та иссиқ нонни қўстириб қўшниникига чиқади. Мана, ўзбек аёлнинг шуқуронаси, мана, она-еримизга таъзимнинг ифодаси! Ўзбекининг нимаси кўп, нияти кўп! Уйим-жойим деб фидойилик қилади, бола-чақам деб орзулайди, элим деб элини алқайди. Деҳқончиликнинг орқасидан қосалари оқариб, дастурхонлари тўлиб бораётган бу инсонлар доимо зулурта тинчлик тилаб яшайдилар. Тинчлик учун қалқон бўлиб яшайдилар. Тинч юрtdа қилинган меҳнатнинг эса доимо роҳати бордир.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.



# МУАММО ФАҚАТ СУВ ЭМАС

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 4 июнь сониди "Бош оғриқ маскан...ми?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Зангиота тумани, "Ўрта-Овул" кўрғони, «Ўзбекистон» маҳалласидаги 19 та кўп қаватли уйларда сув муаммоси, шунингдек, уйларнинг таъмирланмагани, йўлларнинг нотекислиги ва бошқа бир қатор муаммолар ҳақида сўз юритилган. Мақола эълон қилинган, орадан қисқа фурсат ўтиб мутасадди ташкилотлардан, хусусан, Тошкент вилояти ҳамда Зангиота тумани ҳокимликларидан, шунингдек, вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш трестидан жавоб хатлари олдик. Жавобларнинг тезда келгани учун, албатта, мутасаддиларга раҳмат айтамыз, аммо, гапнинг очиги, улардан қониқмадик.

Тўғри, мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир-икки йил камлик қилади. Бироқ жавоб хатларида бир-бирга унча тўғри келмайдиган гаплар борлиги бизни бу мавзуга яна қайтишга ундади.

Келинг, эътиборни биринчи жавоб хати — Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ш. М. Қосимов имзоси билан келган мактубга қаратайлик. Ундаги сўзларни айнан келтирамиз: "Ҳақиқатда ҳам "Гуштомбинат" кўрғончасидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда узиллишлар бўлган. Бунга сабаб оқова сувни тозалаш иншоотидаги насос ва электродвигателнинг ишдан чиққанилиги. Ҳозирги кунда бу насослик тўзатилиб, аҳолига доимий сув бериш йўлга қўйилган".

Чиндан ҳам шундай. Шу ерда истиқомат қилувчи кишиларнинг айтишича, насосликлар барта-

раф этилиб, сув узилиб қолгани йўқ. Аммо...

Бошда айтганимиздек, мутасаддилар бошқа масалаларга қисман ва шунчаки тўхталган шекилли. Яна хатта юзланамиз: "Ҳозирги кунда уйларни муҳандислик тармоқларида содир бўлаётган носозликларни... уй-жойларга техник хизмат курсатувчи "Хамкорлик" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда". Тўшунмадингизми? Биз ҳам тушунмадик. Гарчи жавобда кўп нуқта бўлмаса-да, шу ерда қандайдир сўз бўлиши керак, дея уларни биз кўйдик. Ахир жавобнинг бу қисмидан бир нарсани илғаш кийин-да!

Энди Зангиота тумани ҳокими А. Исабев имзоси билан келган жавобни ўқиймиз: "Тошкент-Гушт" акциядорлик жамиятининг молиявий аҳоли ўта но-чор бўлганлиги сабабли Вази-лар Маҳкамасининг 1999 йил, 2

июль 323-сонли қарори ва 5 октябрдаги 470-Ф сонли фармойишга асосан "Тошкент-Гушт" акциядорлик жамиятига қараш-

## Мавзуга қайтиб

ли 19 та кўп қаватли уйларнинг томлари, муҳандислик коммуни-кациялари ва шу уйларга иссиқ-лик берувчи қозонхона ҳамда иссиқлик узатиш тармоқларини мукамал таъмирлаш белгилан-ган. Бу ишни амалга ошириш учун Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлаш-маси буюртмачи этиб тайинлан-ган. 1999-2001 йиллар 204,3 миллион сўм маблаг ажратилиб, қозонхона ва иссиқлик узатиш тармоқлари минимал схемادا ҳамда 17 та уйни томлари ва ички иссиқлик узатиш тармоқ-лари мукамал таъмирланди. Вази-рлар Маҳкамасининг

470-Ф сонли фармойишга асо-сан ишлаб чиқилган лойиҳа-сме-та ҳужжатларида кўрсатилган маблаг тўлиқ ажратилмаганлиги сабабли кўп қаватли уйларни со-вук сув, иссиқ сув, оқова сув, электр тармоқларини, ертўлада-ги электр шитларни ва кабел-ларини, уйларнинг газ қувурла-рини алмаштириш ҳамда иккита уйнинг томлари ва иссиқлик узати-тиш тармоқларини мукамал таъ-мирлаш ишлари бажарилмаган.

Кўринадики, ҳали бу ерда қилинажак ишлар кўп. Уларни амалга ошириш эса маблаг мас-аласига бориб тақалади. Яъни, ҳукуматнинг фармойишида бел-гиланган молиялаштириш ишла-ри тезроқ бажарилса муаммо-ларни бартараф этиш бирмунча энгиллашади.

Зангиота тумани ҳокимли-гининг жавоб хатида яна айтили-шича: "Хамкорлик" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрғончадаги кўп хонадонли уй-жойларга коммунал хизматлар кўрсатиш амалга ошириб бори-лмоқда. Бундан ташқари, кўрғон-чадаги болалар спортини ривож-лантириш мақсадида спорт май-дончаси учун ер майдони тан-ланиб қурилиш ишлари бошлаб юборилди".

Йўлларнинг ўта носозлиги ҳу-сусида мақолада айтилган гап-

лар мутасаддиларнинг ёдлари-дан кўтарилибди, чоғи. Майли, кўп қаватли уйда яшовчилар-нинг арз-доди бир кунги ҳал этилар (сабр тағи — олтин), аммо бу масканга боргунча ма-ҳаллаларда қанчадан-қанча аҳоли истиқомат қилади. Шун-дай экан, нега, шу ердаги одам-ларни бир жойга тўплаб, мав-жуд муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмас. Йўл ҳаммасини экан, уни чиройли қилиб таъ-мирлаш ҳам шу ердагиларнинг вазифасига кирмайдими? Ки-ради. Фақат бунинг учун одамлар-ни бирлаштирадиган мутасадди керак. Мутасаддини ҳам доимий назорат остига олиш керак, ше-килли. Чунки баъзи жойларда анча-мунча ишларни маҳалла раислари удралаётган бир пайт-да бу ердаги маҳалла бошлиқ-лари ўз ташвишларидан ортиш-маётганга ўхшайди...

Хуллас, айтаверса гап кўп. Биз бу гаплар билан кичик ма-ҳалланинг фавқосини кўтариб пашшадан фил ясамоқчи эмас-миз. Мақсадимиз тамоман бошқа — ҳамма катта муаммолар мана шундай кичик, кўзга кўринмас масалалардан бошланишини ай-тиш. Қолаверса, биз ҳокимлик-ларнинг хизмат бериши учун эмас, одамларнинг оғирини эн-гил қилиш ниятида бу ҳақда ёзгандик...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**Setco** 112-53-53, 112-54-54,  
112-55-55, 134-50-40.  
Telecommunication System

**СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ДИРЕКТОРСКАЯ МИНИ-АТС SETEX ST - D4440**

- Оперативная связь "директор – секретарь"
- Ведение разговора без поднятия трубки
- Конференция до 40 участников
- Вызов одного или группы абонентов нажатием одной кнопки

**Конфигурация**  
- 2 директорских пульта  
- 4 городские линии  
- 8, 24 или 40 внутренних абонентов

**АППАРАТУРА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ**

- Монтаж "под ключ"
- Сервисное обслуживание
- Техническое сопровождение
- Гарантия 1 год

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН, УСЛУГИ ЛИЦЕНЗИРОВАНЫ

**OzLotto** "OzLotto" лотереяси 33-тиражнинг ХИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "OzLotto 6/40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қридалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: **21 34 25 7 16 31**

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 31 июль

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи
6та тўғри топилган сон учун	100 000 000	0	0
5та тўғри топилган сон учун	1 947 225	2	973 612
4та тўғри топилган сон учун	317 325	19	16 701
3та тўғри топилган сон учун	1 110 637	420	2 644

Ўйтилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 7 август куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: 100 000 000 сўм

Тўқин ҳаёт сари!

Тошкент, Ниязбек йўли 24 тел. 136-70-69

## Хушхабар


### Медаллар шодаси муборак!

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга кўрсатилаётган алоҳида эътибор боис спортчиларимиз нафақат мамлакатимиз миқёсидаги беллашуларда, балки халқаро мусобақаларда ҳам мақтанса арзигulik ютуқларни қўлга киритмоқдалар.



Ана шундай муваффақиятли беллашулар сирасига Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ёшлар ва фахрийлар ўртасида таъқвандонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати-ни ҳам киритиш мумкин.

Хар икки йилда ўтказиладиган маъмур жаҳон чемпионатида бу йил 43 мамлакат спортчилари иштирок этганини инобатга оладиган бўлса, беллашув осон кечмаганлигини ҳис этиш мумкин. Ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан 21 нафар спортчи



катнашди.

Ўзбекистон Таъқвандо Федерацияси президенти Пулат Усмоновнинг бизга берган маълумотича, юртимиз вакиллари ушбу мусобақада битта олтин, саккизта кумуш, олти титан медални қўлга киритишди, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритишди. Хусусан, фахрийлар ўртасида Фахриддин Умаров ғолибликни қўлга киритган бўлса, Қосимбек Исмоилов иккинчи ўринни эгаллади.

Кичик ёшдаги иштирокчилардан Сардор Содиқов, Умида Ахророва, Уғиллой Машрабова, Шахло Давидова, Зарина Аҳмедовалар ўз иштирокларини мақорат билан намойиш этгани учун кумуш медалларни қўлга киритишди. Шунингдек, спортчиларимиз ҳисобига иккита бронза медални Фарҳод Сармонов ва Аъзам Ажибековлар олиб беришди.

Куала-Лумпурдан қайтиб келишган спортчиларимизни Тошкент аэропортида спорт мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, оила аъзолари, дўсту биродарлари кутиб олдilar.

Ўз мухбиримиз, М. АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

**Хурматли хонимлар ва жаноблар!**

**«ЎЗТЕМИРЎЙЎЛОВЧИ» ОАЖНИНГ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ**

ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ва кўрсатаётган хизматингиз ҳақидаги маълумотларни маҳаллий ва республикалараро йўналишдаги поездларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча темир йўл вокзалларида реклама қилишни таклиф этади.

Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39.  
E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz

## UZDUNROBITA первая сотовая MTC GSM тароққиёт учун янги имконият

«Uzdunrobita» компанияси иштирокчиларининг 2004 йил 2 август куни бўлиб ўтган умумий йиғилишида компания акцияларининг 74 фоизини «Мобильные ТелеСистемы» МТС очик турдаги акциядорлик жамиятига бериш масаласи маъқулланди. Ушбу қарор Ўзбекистон телекоммуникация бозори ва бутун республика иқтисодиёти учун муҳим воқеа ҳисобланади. Бу ердаги етакчи уяли алоқа корхоналари кучли халқаро компания — МТС таркибига кирди.

Ўзбекистон давлат органлари шу кунгича ўзгартирилган «Uzdunrobita»нинг таъсис ҳужжатларига киритиш йўли билан улуш ўтказилишини рўйхатга олди. МТС «Uzdunrobita» акцияларининг 74 фоизини иккита хусусий компаниядан сотиб олди. Илгари эълон қилинганидек, МТС шунингдек, қолган 26 фоиз акцияларга эга бўлиш тўғрисидаги уч йил муддатга белгиланган опцион шартнома-ни ҳам имзолади. Опцион-ни ижро этиш ҳуқуқи амал-га ошадиган бўлса, МТСнинг «Uzdunrobita»даги

иштироки улуши 100 фоиз-ни ташкил этади. — Ишончимиз комилки, «Uzdunrobita» абонентлари, умуман, бутун республика аҳолиси ушбу интеграция-нинг барча ижобий натижа-ларини тез кунда ўз қўла-ри билан қурадилар, — дей-ди МТС очик турдаги акци-ядорлик жамияти президенти Василий Сидоров. — Биз Ўзбекистон аҳолиси-нинг катта қисмини замона-вий уяли алоқа хизмати бил-лан юксак даражада таъмин-лаш учун мавжуд ресурс ва имкониятларимизни тўла ишга соламиз.

«Uzdunrobita» Ўзбекистон уяли алоқасининг энг йирик операторидир. У бутун республика ҳудудида GSM стандартида уяли алоқа хизмати кўрсатиш лицензияси эга. Шунингдек, AMPS/DAMPS стандартида уяли алоқа хизмати кўрсатиш лицензияси ҳам бор. Барча лицензиялар 2016 йилгача муддатга берилган. «Uzdunrobita»нинг бозор улуши (AC&M-Consulting маълумотларига кўра) 51 фоиз атрофида. Республи-ка ҳудудида жами бешта GSM-оператор фаолият кўрсатмоқда.

### «Мобильные ТелеСистемы» компанияси ҳақида

«Мобильные ТелеСистемы» очик тур-даги акциядорлик жамияти халқаро опе-ратор бўлиб, у абонентлар сони бўйича Россия, Марказий ва Шарқий Европада энг йирик уяли алоқа компанияси ҳисоблана-ди. Россиянинг барча минтақаларига GSM стандартида уяли алоқа хизматини етказ-иб бериш, шунингдек, МДХ мамлакатла-рида бизнесни ривожлантириш МТСнинг стратегик вазифаси ҳисобланади. Ўзбеки-стон МДХдаги МТС компанияси кириб ке-лаётган тўртинчи мамлакатга айланмоқда. Компания Россия, Украина ва Беларусда ўз фаолиятини бошлаб юборган.

МТС ўзининг шўба корхоналари бил-ан биргаликда учта мамлакатда 23 мил-лиондан зиёд абонентга хизмат кўрсат-моқда. Кейинги йилда компания абонент-лари икки баравар кўпайди. Россияда жами 49,5 миллионга уяли алоқа абоне-нти мавжуд бўлиб, шулардан 37 фоизига МТС хизмат кўрсатмоқда. Бундан жадал ўсишда фаол маркетинг сиёсатининг хизмати катта бўлди. У уяли алоқа хизматининг амалда оммавий ва ҳаммабоб бўлишини таъминлади. Масал-ан, тариф режаларининг ДЖИНС тури-дан кенг қўламада фойдаланилмоқда. У энг жушқин аудиторияга мўлжалланган. ДЖИНС тарифлари мақбул нархи билан ажралиб туради ва тармоқда улашиш ҳамда тўланадиган ҳақни тўлдириб бориш учун ҳам жуда қулай.

2003 йилдаги капитал қўйилмалари ҳажми 958 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 2004 йил учун эса, бу кўрсаткич 1,2 мил-лиард доллар қилиб белгиланган (уяли алоқа операторлари сотиб олиш учун сар-фланган маблағлар бунга кирмайди).

Алоқа сифатини ошириш, абонентлар-га хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш масаласига катта аҳамият берилмоқда. МТС сифатли алоқа масаласида бошқа уяли операторлар учун намуна ҳисобла-нади. МТСнинг стратегик акциядорлари бўлган Россиянинг «Система» АФК хол-динг ва Германиянинг T-Mobile уяли алоқа оператори тегишли равишда компания ак-цияларининг 51 ва 25 фоизига эга. МТС эришаётган ютуқларнинг асосий омил-и унинг стратегик акциядорлари бой тах-рибаси ва имкониятларидан оқилона фой-даланилаётганидир. Компаниянинг акци-ялари 2000 йил 30 июндан бошлаб Нью-Йорк Фонд биржасида (NYSE) айланмоқ-да. МТСда 22,3 фоиз акциялар гарбий ин-вестиция фонди бўлган молиявий инвес-торларга тегишли. МТС бозор капитали-зацияси миқдори 2004 йил 30 июль хола-тига кўра, 11 миллиард доллардан ошди. Американинг нуфузли Business Week жур-нали маълумотларига қараганда, 2004 йил-нинг июнида МТС ҳақининг мингта энг йирик корпорацияси таркибига кирди (464-ўрин).

Денис ФЕДОРЦ.

**UZDUNROBITA first cellular**

**ГРЕЦИЯ ОЛИМПИЯ ҲАҚИДА**

**«Уздунробита» Ўзбекистон Олимпия қўмитасининг бош ҳамкори**

**ЎЗ ЖАМОАНГНИ ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛА!**

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

